

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил июль ойининг 11 кuni, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисини ўтказиб, раислик қилувчи - вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари Ж.Худойбердиев ва М.Маликовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Нормуродовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори М.Чориев, судланувчи С.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат У.Қузимурадов, судланувчи М.Х. ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Паянованинг иштирокида, суд ҳукмига нисбатан судланувчи С.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат У.Қузимурадов, судланувчи М.Х. томонидан келтирилган апелляция шикоятларини жиноят иши материаллари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 1 май кунidaги ҳукмига кўра,

М.С.П., 1993 йил 26 сентябрь кuni Термиз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, турмушга чиқмаган, Термиз тумани “Я” маҳалласи, Ш.Р кўчаси рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 30 январь кунидан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Х.М.А., 1982 йил 24 январь кuni Термиз тумани туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, Термиз тумани “Г” маҳалласида яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 30 январь кунидан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



Суднинг ҳукмига кўра, С.М. ўзининг фарзанди бўлган 2024 йил 25 январь куни туғилган М.М.Ж.ни ўзининг жиноий шериги бўлган Х.М.А. билан бир гуруҳга бирлашган ҳолда сотиш орқали моддий бойлик орттириш ҳамда мулкӣ манфаат кўришни мақсад қилиб, ўзларининг жиноий режасини тузишиб, ушбу жиноий режасини амалга ошириш мақсади йўлида, ўзларига олдиндан таниш бўлмаган Музработ тумани “Халқ йўли” маҳалласида яшовчи П.Д.Н.га ўзларида сотиладиган чақалоқ борлигини маълум қилиб, 2024 йил 29 январь куни Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Беклар” номли ошхонада ўзининг жиноий шериги М.Х. билан биргаликда ўзининг фарзанди бўлган М.М.нинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлигини олдиндан билгани ҳолда ушбу фарзандини Д.П.га 25 млн сўм эвазига сотишган вақтда тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ушланган.

Адвокат У.Қузимурадов шикоятда, айблов қонунга зид равишда қўйилгани, тезкор-қидирув тадбирлари қонунга хилоф равишда ўтказилгани, иш бўйича Д.П. ва ИИБ ходимларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмагани, ҳимоясидаги С.М.нинг ҳеч қандай айби йўқлиги сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланувчи С.М. шикоятда, ўзининг оилавий аҳволини инобатга олиб, ўзига нисбатан тайинланган жазо муддатини қисқартириб беришни сўраган.

Судланувчи М.Х. шикоятда, оилавий аҳволини инобатга олиб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик бериб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо беришни сўраган.

Апелляция судида сўралган судланувчи С.М., шикоятини қувватлаши, биринчи босқич судида берган кўрсатмаларини тасдиқлаши, яъни у 2022 йил бошидан 2023 йил март ойига қадар А.Навоий кўчасида жойлашган эркаклар ва аёллар ҳаммомида уқаловчи бўлиб ишлаганлигини, 2023 йил апрель ойида ўзининг танишидан ҳомиладор бўлиб қолганлигини, 2024 йил январь ойида туғишига бир неча кун муддат қолган вақтда, П. Д. исмли шахс билан кўчада танишганлигини, у П. Д. исмли шахс билан танишган вақтида, у унга ҳомиладор эканлигини, аммо уйидагилар онасининг касаллигини, ушбу ҳолатни кўтара олмаслигини, мазкур фарзандини боқиш учун қурби етмаслигини, уйидагилар унинг ушбу ҳолатидан хабар топишса, уни тинч қўйишмаслигини айтиб суҳбатлашганида, таниши Д. унга агарда ушбу фарзандини дунёга келтириб уни боқишга имконияти йўқ бўлса, унга ўзи ғамхўрлик қилиши мумкинлигини, фарзанди туғилганидан сўнг, унинг гувоҳномаларини олишда ҳам ёрдам қилишини айтганлигини, сўнгра у Д.га яшашга жойи ҳам йўқлигини айтганида, уни меҳмонхонага жойлаштириб қўйишини айтиб, “Улуғбек” меҳмонхонасига жойлаштирганлигини, 2024 йил январь ойининг ўрталарида М. исмли танишининг уйига борган вақтида, унга яқин келажакда туғилажак фарзандини бир танишига сотмоқчи бўлаётганлигини айтганида, ундан кимга сотаётганлигини сўраганлигини ва уни бошқа бир таниши орқали топганлигини айтиб, унга мазкур ҳолат ҳақида маълум қилганлигини, эртаси куни ҳам у мазкур таниши М. опасининг яшаш уйига бориб, у билан фарзандини сотиш нияти ҳақида у билан гаплашганлигини, шу вақтда унга мазкур жараёнда унинг олдида туриб, у билан бирга бўлишини ҳақида айтиб, сотишдан тушган пуллардан уни рози



килиш ҳақида айтганини, М. опа унинг мазкур таклифига рози бўлганлигини, у 2024 йил 25 январь куни қиз фарзандини дунёга келтирганлигини, сўнгра таниши Д. опа келиб, фарзандини гувоҳномаларини расмийлаштириш ҳақида сўраганини, у Д. опага фарзандига меҳр берганини ва унга туғган фарзандини беролмаслигини айтганлигини, Д. опа “майли” деб кетганлигини, бу орада таниши М. опаси деярли ҳар куни келиб кетиб, фарзандини сотиши ҳақида гаплашиб кетганлигини, 2024 йил 29 январь куни таниши Д. опа билан бирга таниши М. опа ҳам келишганлигини, сўнгра таниши Д. опа паспортини сўраб, қиз фарзандига гувоҳнома олиб келганлигини, сўнгра улар олдиндан келишилган 25 млн сўмни олиш мақсадида М. исмли қиз фарзандини, таниши М. опа ва Д. опалар биргаликда дастлаб “Учрашув” номли ресторанга боришганлигини, аммо у ер ёпиқ бўлганлиги сабабли, “Беклар” номли ресторанига бориб, у ерда биргаликда, дастлаб овқатланишганлигини, сўнгра Д. опа ўзи билан бирга олиб келган 25 млн сўм пулларни олиб, стол устига қўйганлигини, сўнгра у пулларни олиб, санаш учун М. опага узатганлигини, М. опа пулларни бирма-бир санаб олганлигини, шу вақтда хонага бир неча шахслар икки нафар холислар билан бирга кириб келишиб, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эканлигини айтиб, таништириб, уларга одам савдоси жиноятида гумонланаётганлигини айтиб, ҳаммасини Термиз шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келганлигини, сўнгра ушбу жойда уларнинг қўлларидан ва тегишли пуллардан намуналар олиб, баённома расмийлаштирганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Апелляция судида сўралган судланувчи М.Х., шикоятини қувватлаши, биринчи босқич судида берган кўрсатмаларини тасдиқлаши, яъни у М. С. исмли қизни 2 йилдан бери танишини, С. саунада ишлаб юрган вақтларда танишиб қолганлигини, у билан яқин дугона бўлиб қолганлиги туфайли ҳомиладорлигидан хабари борлигини, 2024 йил январь ойининг бошларида С. билан яшаш уйига келиб суҳбатлашганида туғадиган чақалоғини сотмоқчилигини, ўзи боқолмаслигини айтганлигини, кейин у сотиш учун бир аёлни ҳам топганлигини, яшаш шароитига ёрдамлашиб юрганлигини, меҳмонхонада яшаётганлиги сабабли ижара пулини тўлашда ёрдамлашиб юрганлигини айтганлигини, у С.дан болани қанчага сотмоқчилигини сўраганини С. унга 40 миллион сўмга сотмоқчилигини айтганлигини, у С.га ўша чақалоқни унга беришини сўраганлигини, лекин пули йўқлиги туфайли унга бермаганлигини, у С.дан ҳар доим чақалоғини унга беришини сўраганлигини, лекин унга бермаганлигини, 2024 йил 24 январь куни С. унга кўнғироқ қилиб шифохонага тушганлигини айтганлигини, у С.ни кўргани борганида аҳволи яхши бўлганлигини, С. унга унинг олдида чақалоқни сотиб олмоқчи бўлган аёл келишини маълум қилганлигини, 2024 йил 25 январь куни шифохонага борганида С. қиз чақалоқ туғганлигини, сотиб олмоқчи бўлган аёл унга овқат олиб келиб турганлигини унга айтганлигини, 2024 йил 26 январь куни С. унга кўнғироқ қилиб уни чақириб қизига гувоҳнома олиши кераклигини айтганлигини, С. ўзининг паспортини унга берганлигини, паспортини устига гувоҳнома олиш учун серия рақам ёпиштирилганлигини, С. унга паспортини бериб ҳозир чақалоқни олмоқчи бўлган Д. опа келишини



у билан бирга бориб чақалоғига гувоҳнома олиш учун бирга боришини, ўша аёл гувоҳнома олиш учун тўлов қилишини айтганлигини, у Д. опа ундан С.нинг паспортини сўраб ўзи гувоҳнома олишини маълум қилганлигини, у Д. опага С.нинг паспортини бериб уйига қайтганлигини, 2024 йил 27 январь куни С. унга яна қўнғироқ қилиб ёнига боришини, 2024 йил 28 январь куни уни қўнғироқ қилиб чақириб, Н. исмли аёл келиб чақалоғини сотиб олмоқчи бўлганлигини айтганлигини, кейин у ёнига борганида Н. исмли аёл билан таништирганлигини, С. унга чақалоғини 35 миллион сўмга сотишга розилигини Н.га айтишини илтимос қилганлигини, у Н.га 35 миллион сўмга сотишга рози эканлигини айтганлигини, Н. бунга розилигини, ҳамма нарчасини ўзи қилиб беришини айтганлигини, кейин у уйига қайтганлигини, Н. С.га озиқ-овқат олиб келиб бергани кетганлигини, 2024 йил 29 январь куни соат тахминан 10:30лар атрофида С. унга қўнғироқ қилиб шифохонага келишини айтганлигини, кейин у борганлигини, шифохонага борганида чақалоқни сотиб олмоқчи бўлган Д. опа ҳам келганлигини ва С.дан паспортини Спарк автомобилида ўтирган бегона аёлга бериб гувоҳнома олиб келишини айтганлигини, кейин Д. опа ўзи бориб гувоҳнома олиб келганлигини, сўнгра улар олдиндан келишилган 25 млн сўмни олиш мақсадида у таниши С. туғилган М. исмли қиз фарзанди билан ва Д. опа биргаликда дастлаб “Учрашув” номли ресторанга боришганлигини, аммо у ер ёпиқ бўлганлиги сабабли, “Беклар” номли ресторанга бориб, у ерда биргаликда, овқатланганлигини, сўнгра Д. опа ўзи билан бирга олиб келган 25 млн сўм пулларни олиб, стол устига қўйганлигини, сўнгра С. пулларни олиб унга санаш учун узатганлигини, таниши С. унга пулларни санаб олишини айтганлигини, сўнгра у пулларни бирма-бир санаб олганлигини, шу вақтда хонага бир неча шахслар икки нафар холислар билан бирга кириб келишиб, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эканлигини айтиб таништириб, уларга одам савдоси жиноятида гумонланаётганлигини айтиб ҳаммасини Термиз шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишганлигини, сўнгра ушбу жойда уларнинг қўлларидан ва тегишли пуллардан намуналар олиб баённома расмийлаштирганлигини, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья М.Маликовнинг маърузасини, прокурор М.Чориевнинг шикоятларни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, адвокат У.Қузимуродовнинг судланувчи С.М.га оқлов ҳукми чиқариш, адвокат А.Паянованинг судланувчи М.Х.га енгиллик бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи С.М., М.Х.ларнинг айби уларнинг суддаги кўрсатувларидан ташқари, аризачи Д.П.нинг аризаси, нақд пул қимматликларига махсус кимёвий модда билан ишлов бериш ва ушбу пуллар ҳамда овоз ёзиш мосламасини П.Д.Н.га тақдим қилиш ҳақида баённома ва фотожадвал, деокамера қўллаган ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва далилий



ашёни олиш тўғрисида баённома, фотожадвал ва унга илова қилинган DVD диск, фуқаро М.Х.нинг пушаймонлик аризаси, фуқаро С.М.нинг пушаймонлик аризаси, судга оид кимёвий экспертиза хулосалари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топган.

Гарчи, адвокат У.Кузимуродовнинг шикоятдаги, айблов қонунга зид равишда қўйилгани, тезкор-қидирув тадбирлари қонунга ҳилоф равишда ўтказилгани, иш бўйича Д.П. ва ИИБ ходимларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмагани, химоясидаги С.М.нинг ҳеч қандай айби йўқлиги сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш, судланувчи С.М.нинг шикоятдаги, ўзининг оилавий аҳволини инобатга олиб, ўзига нисбатан тайинланган жазо муддатини қисқартириб бериш, судланувчи М.Х.нинг шикоятдаги, оилавий аҳволини инобатга олиб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик бериб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо бериш ҳақида важ келтирса-да, судлов ҳайъати уларнинг ушбу важлари билан келишмади.

Чунки, уларнинг ушбу важлари:

-биринчи инстанция судада сўралган гувоҳ Д.П.нинг, у 2024 йил январь ойининг ўрталарида бир маклер таниши Термиз шаҳрида М. С. исмли шахсни ҳомиладор эканлигини ва унинг фарзандини бериши мумкинлигини айтгач у С.М. билан боғланиб мазкур туғилажак фарзандини берса олмоқчи бўлганлигини, 2024 йил 13 январь куни таниши С. унга туғилажак фарзандини сотиш нияти борлигини айтиб маълум қилганини, у бу каби шахсларнинг ғаразли ниятларига тўсқинлик қилиш ва бу каби жиноятларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини, 2024 йил 13 январь куни у С. билан кўришиб гаплашган вақтида С. унга туғадиган фарзандини 25 млн сўмга сотишини айтганини, С. туғганидан сўнг барча харажатларни ҳам унга қилдира бошлаганлигини, С.нинг олдига унинг қорароқдан келган М. исмли аёл ўзини С.ни қариндоши бўлишини кейинчалик эса опаси бўлишини айтиб, С.нинг фарзанди туғилганидан сўнг барча ишларга ўзи бош қош бўлиб бошлаганлигини, кейинроқ билганида М. исмли аёл С. билан биргаликда чақалоқни сотмоқчи бўлаётганлигини билганини, сабаби С.нинг ўзи ҳам унга чақалоқ учун гувоҳнома олмоқчи бўлмоқчи бўлганида ҳам у билан М. бирга борганлигини, унга тезкор тадбирни ўтказиш учун 25.000.000 сўм миқдоридаги пулларга махсус ишлов бериш амалга оширилганлигини, шундан кейин тезкор тадбир амалга ошириш учун текшириш давомида аниқланган ва унинг кўрсатувига кўра, Термиз шаҳар, Алпомиш маҳалласида жойлашган Термиз шаҳар Тиббиёт бирлашмасига юборилганлигини, шундан сўнг С.М. ўзининг чақалоғини Термиз тумани, Гулистон маҳалласи, Солиобод 1/34-уйда доимий рўйхатда туриб, ҳозирда Термиз шаҳар М. маҳалласида яшовчи Х. М. А. билан олиб чиқиб пул олиш-бериш жойи яъни Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласидаги “Беклар” номли ошхона этиб белгиланган жойга, С.М.га бериши учун кимёвий ишлов берилган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллар ва ўрталаридаги сўзлашувларни ёзиб олиш учун қора рангли, юмалоқ шаклдаги номсиз овоз ёзиш мосламаси унга берилиб, тезкор гуруҳ аъзоларининг назорати ва кузатуви остида юборилганлигини, у



пулларни ва овоз ёзиш мосламасини олиб, Термиз шаҳар, “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Беклар” номли ошхонага борганлигини, шундан сўнг у кимёвий ишлов берилган пулларни С.М.га тадбирда ишлатиш учун берилган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, ўтирганидан сўнг С. “қанча пул олиб келдингиз” деб сўраганлигини, у айтилган 25 млн сўмни олиб келганини айтиб маълум қилганида, улар унга, яъни М. ва С. унга “яна 15 млн сўм қўшасиз тўғри қилиб 40 млн қилиб берасиз” деб айтганлигини, сўнгра у С. ва М.нинг бу шартларига рози бўлганлигини, шундан сўнг М. 25 млн сўм пулларни тўлиқ санаб олганлигини, шундан сўнг мутахассис экспертдан ушбу жойда С.М. ҳамда М.Х.ларни ва пулларни ОЛД аппарати текшириш имконияти борлиги мавжудлиги сўралганида, мутахассис ушбу жой жамоат жойи бўлганлиги сабабли кўздан кечириш имконияти йўқлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг тергов ҳаракати вақтинча ҳаракатдан тўхтатилиб, соат 17:55 да видеокамера ўчирилганлигини, Термиз шаҳар ИИБга тадбир иштирокчилари билан келиниб, соат 18:20 да видеокамера ёқилиб тергов ҳаракати тикланиб холислар иштирокида ушбу пуллар тегишли тартибда расмийлаштириб олинганини, холислар ҳамда бошқа иштирокчилар қатнашувида конвертга солиниб иштирокчиларга гувоҳлантирилган ҳолда муҳрланганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ С.М.нинг, у 2024 йил 29 ноябрь куни ўзининг шахсий юмушлари билан шаҳар ИИБ худуди ёнидан ўтиб бораётган вақтида унинг ёнига бир фуқаролик кийимида юрган шахс келиб ўзининг ИИБ ходими эканлигини бир тергов ҳаракатида холис сифатида қатнашиб беришини сўраганлигини, шундан сўнг у рози бўлиб ушбу ИИБ ходими билан шаҳар ИИБ биносига кирганлигини, ИИБ ходимлари унга ва у билан бирга холис сифатида қатнашаётган шахсга холисининг ҳуқуқ мажбуриятларини тушунтириб берганлигини, шундан сўнг бир неча фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари тергов ҳаракатини бошлаганлигини, фуқаро П.Д.Н. 2024 йил 26 январь куни Термиз шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида фуқаро М.С.П. ҳозирги вақтда ўзининг “М.” исмли 2024 йилда туғилган қиз бола фарзандини 25.000.000 сўмга сотишини айтганлигини маълум қилганлигини, ушбу аризада кўрсатилган ҳолатларни текшириш учун ариза муаллифи фуқаро Д.га тезкор тадбирни ўтказиш учун 25.000.000 сўм миқдоридаги пулларга махсус ишлов бериш амалга оширилганлигини, тезкор тадбир амалга ошириш учун текшириш давомида аниқланган ва аризачи Д.П.нинг кўрсатмасига кўра, Термиз шаҳар Алпомиш маҳалласида жойлашган Термиз шаҳар Тиббиёт бирлашмасига юборилганлигини, сўнг С.М. ўзининг чақалоғини фуқаро Х. М. А. билан олиб чиқиб пул олиш-бериш жойи яъни Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласидаги “Беклар” номли ошхона этиб белгиланган жойга, С.М.га бериши учун кимёвий ишлов берилган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллар ва ўрталаридаги сўзлашувларни ёзиб олиш учун қора рангли, юмалоқ шаклдаги номсиз овоз ёзиш мосламаси Д.П.га берилиб, тезкор гуруҳ аъзоларининг назорати ва кузатуви остида юборилганлигини, аризачи Д.П. пулларни ва овоз ёзиш мосламасини олиб
иб, Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласида жойлашган “Беклар” номли



ошхонага бориб кутиб турилганлигини, шундан сўнг аризачи Д.П. кимёвий ишлов берилган пулларни С.М.га тадбирда ишлатиш учун берилган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, тадбир иштирокчиларига пулларни С.М. ва у билан бирга келган М.Х.лар олганлиги ҳақида ишора берилганлигини, шундан сўнг соат 17:45 да тергов ҳаракати иштирокчилари билан Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Беклар” номли ошхонанинг алоҳида хонасига кирилиб, аризачи Д.П. ўзида бўлган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллар олиб, фуқаро С.М.га олиб келганлигини, ушбу пулларни С.М. билан келган фуқаро М.Х. санаб олганлигини, у олиб келган чақалоқ ҳақиқатдан ҳам М. М. Ж. қизи эканлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг юқорида кўрсатилган пулларни тақдим қилиб, ушбу пулларни фарзанди М. М. Ж. қизини сотганлиги эвазига олганлигини, келгусида фарзандини сўраб ёки уни излаб бормаслигини ҳамда ушбу пулларни олганидан сўнг аризачи Д.П.ни тинч қўйишини маълум қилиб, ушбу гапларини ўз сўзидан хаворанг дафтарга тушириб, ушбу тилхатни исм фамилияси ва имзоси билан тасдиқлаб уни аризачи Д.П.га тақдим қилган вақтда тезкор тадбир қатнашчилари ва холислар иштирокида биргаликда борилиб, тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтиб гувоҳнома кўрсатилганлигини, С.М. ҳамда М.Х.га ўзини таништириш сўралганида улар ўзини таништирганлигини, шунингдек М.Х. тадбирга киритилган пуллар тақдим қилиниши сўралганда у пулларни фақатгина санаб олганлигини, унга С.М. санаб олинг дегани учун бу ишни қилганлигини маълум қилганлигини, сўнг мутахассис экспертдан ушбу жойда С.М. ҳамда М.Х.ларни ва пулларни ОЛД аппарати текшириш имконияти борлиги мавжудлиги сўралганида, мутахассис ушбу жой жамоат жойи бўлганлиги сабабли кўздан кечириш имконияти йўқлигини маълум қилганлигини, сўнг тергов ҳаракати вақтинча ҳаракатдан тўхтатилиб, соат 17:55 да видеокамера ўчирилганлигини, Термиз шаҳар ИИБга тадбир иштирокчилари билан келиниб, соат 18:20 да видеокамера ёқилиб, тергов ҳаракати тикланиб, холислар иштирокида ушбу пуллар тегишли тартибда расмийлаштириш учун мутахассис томонидан янги тиббиёт қўлқопи очилиб, мазкур қўлқоп ОЛД махсус аппарати ёрдамида ультрабинафша нурлар орқали кўздан кечирилганида, кимёвий моддага хос кукун излари мавжудлиги аниқланганлигини, тоза қўлқоп кийилиб, тоза тиббиёт бинти очилган ҳолатда тоза тиббиёт бинтида намуна тариқасида маълум қисми олиниб текшириб кўрилганлигини, холислар ҳамда бошқа иштирокчилар қатнашувида конвертга солиниб, иштирокчиларга гувоҳлантирилган ҳолда муҳрланиб мазкур конверт пакетларга рақам қўйилганлигини, фуқаро М.Х. ва С.М.ларнинг паспорт нусхаси, М.М.Ж.га Термиз шаҳар ФХДЁ бўлими томонидан 25.01.2024 йил 25 январда берилган туғилганлик ҳақида гувоҳнома конвертларга солиниб муҳрланганлигини, фуқаро М.Х. ва С.М.ларга тақдим этган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллар эканлиги аниқланганлиги ҳақидаги кўрсатуви ва ишни судда кўришда жараёнида аниқланган бошқа ҳолатлар билан тўлиқ рад қилинади.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи С.М. ва М.Х.ларнинг айбдорлиги ҳақида асосли хулосага келган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Биринчи босқич суди судланувчи С.М. ва М.Х.нинг жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, уларга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида”ги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шахсларини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қилмишларига мувофиқ меъёрда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, адолатли ва асосли тўхтамга келган.

Бундай ҳолда адвокат У.Қузимуrowдовнинг судланувчи С.М.га нисбатан оқлов ҳукми чиқариш, судланувчи С.М. ва М.Х.ларнинг ўзларига нисбатан енгиллик бериш ҳақидаги важларини асосли деб бўлмайди.

Баён қилинганларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482-484, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 1 май кунидаги М.С.П. ва Х.М.А.га оид чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

(имзо)

И.Абраев



Ҳайъат судьялари

(имзо)

Ж.Худойбердиев

(имзо)

М.Маликов

Аслига тўғри

М.Маликов

Ҳужжат имзоланган: Маликов Муҳиддин Абдиқомидович, 15.07.2024

